

ХИТОЙ ТИЛИДА 把 “BĀ” НОМ ҲИСОБ СЎЗИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ



10.24412/2181-1784-2021-1-44-50

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

Annotation. *The existence of measure words in Chinese, which has a rich history, is one of the peculiarities of Chinese Tibetan languages. In this article, we describe the history of the noun 把 “bā, on of the Chinese measure words, its pieces and total types.*

Key words: nominal counting words, piece cont word, unit of measure, noun, verb, knob, histori path.

Ҳозирги замон хитой тилида ҳисоб сўзлар тўла етилган лексик системани ташкил қилади. 甲骨文 jiǎ gǔ wén (тошбақа косасига ва суякларга ўйилган ёзув) давридаёқ “朋” péng, “丙” bǐng, “升” shēng каби ҳисоб сўзлар мавжуд бўлган.¹ Хитой тилшунослигига ҳисоб сўзлар устида тадқиқот олиб борган кўпгина олимлар 把 “bā” ҳисоб сўзига таъриф бериб, фикрларинг асосини 把 “bā” нинг келиб чиқиши билан боғлашади. Масалан: Хитой тилшунослигининг вакили, йирик тилшунос 刘世儒 Liú shì rú 把 “bā” ҳисоб сўзини оддий ўлчов бирлиги сифатида таърифлаб, бирон нарсага таъсир ўтказиб, бошқариш ҳаракати бўладиган нарсаларга нисбатан ишлатилади деган.² Унинг фикрича 把 “bā” ҳисоб сўзи сифатида Хан давридаёқ пайдо бўлиб, жанубий шимолий сулолар даврида ҳам ишлатилган, бундан ташқари, донабай 把 “bā” ҳисоб сўзи, жамловчи 把 “bā” ҳисоб сўзидан келиб чиққан, деган фикрни ҳам илгари сурган.

Яна бир хитойлик тилшунос 叶桂郴 Yè guì chēn эса 把 “bā” ни феъл маъносидан аста-секин чиқиб кетиши жараёнида 把 “bā” ҳисоб сўзи шаклланган, деб айтган. 把 “bā” феъли “қўлда ушламоқ” маъносини англатиб, ҳисоб сўзи сифатида ишлатилганда ҳам нарсаларни қўл билан ўлчаш, от

¹ 王力. 汉语史稿. 北京. 2004年. Wáng lì, Hán yǔ shǐ gǎo, Běi jīng.

² 刘世儒. 魏晋南北朝量词研究. 北京. 1965年. Liú shì rú, Wèi pǔ nán běi cháo liàng cí yán jiū, Běi jīng.

сифатида ишлатилганда қўл билан ушлайдиган жойи бор нарсаларга нисбатан ишлатилади, деб айтиб ўтган.³ 金桂桃 Jīn guì táo эса ҳаракат учун ишлатиладиган 把 “bǎ” ҳисоб сўзининг пайдо бўлиши устида тадқиқот олиб борган. Унинг фикрича, ҳаракат учун ишлатиладиган 把 “bǎ” ҳисоб сўзи, 把 “bǎ” донабай ҳисоб сўзидан аввалроқ ишлатила бошланган, Сонг сулоласи даврида пайдо бўлиб, Юан давригача ривожланиб келган, Чинг даврига келиб эса муқим ўрин эгаллаган.⁴ Яна бир тилшунос 李春梅 Lǐ chūn méi 把 “bǎ” жамловчи ҳисоб сўзини Хан даврида пайдо бўлганлигини, 把 “bǎ” донабай ҳисоб сўзини эса Танг даврида вужудга келганини айтиб ўтади, ҳар бирини ўзига хосликларини даврма-давр ўрганиб чиққан⁵.

Ном учун ишлатиладиган 把 “bǎ” жамловчи ҳисоб сўзининг пайдо бўлиши. Қадимда донишмандлар, зиёлилар орасида бу борасида алоҳида тушунчалар бўлган, лекин 把 “bǎ” ҳисоб сўзининг тарих йўлини умумлаштириб берилган ишлар бўлмаган. 把 “bǎ” ҳисоб сўзини диахроник ривожланиш босқичига назар ташласак, ном учун ишлатиладиган 把 “bǎ” ҳисоб сўзининг пайдо бўлиши ҳақида 《说文解字》 Shuō wén jiě zì луғатидаги айтиб ўтилган. Тарихий луғатлардан бири бўлган, хитой иероглифларининг структурасини биринчи бўлиб тахлилга тортиб, иероглифларни калитлар асосида бўлинишини қўлланган 《说文解字》 Shuō wén jiě zì да шундай изоҳ берилади: 把 ba да 手 (手) shǒu-кўл калити бор бўлиб, “把 ba-қаттиқ ушламоқ, 握也 wò уё-тутқич, 从手 cóng shǒu-кўлидан тортиб олмоқ, маъноларини англатади, яна 把 “bǎ” феъл бўлиб, асл маъноси 持 chí-кўлда ушлаб, қўлга олмоқ, 握持 wò chí-маҳкам ушламоқ, яъни тўғридан тўғри қўл билан содир бўладиган ҳаракатdir, - деб айтиб ўтилган.

Хитойнинг Тай даври бошлаб 把 “bǎ” кўпроқ 持 chí -кўлда ушлаб, қўлга олмоқ, 握持 wò chí -маҳкам ушламоқ маънолари ишлатилаган. Масалан:

1) 竖亥右手把算, 左手指青丘北。 (《山海经》卷九《海外东经》) Shù hái yòu shǒu bǎ suàn, zuó shǒu zhǐ qīng qiū běi 。 (《shān hǎi jīng》 juǎn jiǔ 《hǎi wài dōng jīng》).

³ 叶桂郴. 明代汉语量词研究. 长沙. 2008年. Yè guì chēn, Míng dài hàn yǔ liàng cí yán jiū, Cháng shā.

⁴ 金桂桃. 宋元明清动量词研究. 武汉. 2007年. Jīn guì táo, Sòng yuán míng qīng dòng liàng cí yán jiū, Wǔ hàn.

⁵ 李春梅. 汉语名量词把的发展演变. 邵阳学院学报. 2012 (3) Lǐ chūn méi, Hán yǔ míng liàng cí bǎ de fā zhǎn yǎn biàn, shào yáng xué yuàn xué bào.

2) “郊禘不过茧栗，烝尝不过把握。”(《国语》卷十八 《楚语下》) “Jiāo dì bù guò jiǎn lì, zhēng cháng bù guò bǎ wò .” (《guó yǔ》 juǎn shí bā 《chǔ yǔ xià》).

3) 公曰：“然则后世孰将把齐国？”(《晏子春秋》卷二 《内篇谏下》) gōng yuē: “rán zé hòu shì shú jiāng bǎ qí guó?” (《yàn zǐ chūn qiū》 juǎn èr 《nèi piān jiàn xià》).

刘世儒 Liú shì rú нинг ҳисоблашича 把 “bǎ” ни феъл маъносидан чиқиб кетиши натижасида 把 “bǎ” ҳисоб сўзи биринчи қадами қўл билан ушлаб ўлчайдиган нарсаларга нисбатан ишлатишдан бошланган. Тай даври бошларида 把 “bǎ” нафакат тўғридан тўғри қўл билан содир қиласидиган ҳаракатга, балки яна қўл билан ушлаб ўлчаб бериладиган нарсаларга нисбатан ҳам ишлатилган, яъни ўлчов бирлиги сифатида фойдаланилган. Шу билан бирга бундай қўл билан ўлчанадиган нарсалар албатта, қўл билан тутиб қола оладиган нарсалар бўлиши керак бўлган. 把 “bǎ” қўл кафти билан ушлаб ўлчанадиган бирлик бўлиши билан бирга, деярли тарозни ўлчови маъносидан ҳам келган. Масалан:

4) 孟子曰“拱把之桐梓，人苟欲生之，皆知所以养之 者。……”(《孟子》卷十一 《告子上》) Mèng zǐ yuē “gǒng bǎ zhī tóng zǐ, rén gǒu yù shēng zhī, jiē zhī suó yǐ yǎng zhī zhě. … … ” (《mèng zǐ》 juǎn shí yī 《gào zǐ shàng》)

5) 十围之木，始于把，百仞之台，始于下，此天之道也。(《文子》卷五 《道德》) Shí wéi zhī mù, shǐ yú bǎ, bǎi rèn zhī tái, shǐ yú xià, cǐ tiān zhī dào yě. (《wén zǐ》 juǎn wǔ 《dào dé》).

6) 其拱把而上者，求狙猴之杙者斩之。三围四围，求 高名之丽者斩之。
《庄子·内篇·人间世第四》 Qí gǒng bǎ ér shàng zhě, qiú jū hóu zhī yì zhě zhǎn zhī. Sān wéi sì wéi, qiú gāo míng zhī lì zhě zhǎn zhī. 《zhuāng zi · nèi piān · rén jiān shì dì sì》.

Қадимги хитой тили грамматикаси ва ёрдамчи сўзлар устида иш олиб борган хитойлик тилшунос олим 杨伯峻 Yáng bó jùn 4-гапдаги 拱 gǒng сўзини иккита қўли билан бирлаштириб ушлашни англатишини, 把 “bǎ” ни эса битта қўли билан ушлаш маъноси борлигини айтиб ўтган. 5,6-гаплардаги 圈 wéi ва 把 bǎ ҳисоб сўзларини олсак, иккаласи ҳам нарсанинг кенглигини ёки катта кичиклигини ўлчамини ифодалайди., Ғарбий Хан даврига келиб пайдо бўлган.

Юқорида келтирган мисолларимиз 把 “bǎ” ҳисоб сўзининг илк кўринишларидан биридир. 把 “bǎ” нинг асосий маъноси 握 wò - қўлда ушлаб

бажариладиган ҳаракат бўлиб, ҳисоб сўзи сифатида кафт шакли билан бирон нарсани сикимлаб ўлчаш маъносини беради. Шу сабабли 把 “bā” феълини маъноси кучсизланиб, 把 “bā” ном учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи пайдо бўлган. Бу ерда 把 “bā” жамловчи ҳисоб сўзи бўлиб, бир қўли билан ушлаб олса бўладиган ипсимон кўринишдаги нарсаларни ўлчаш учун ифодаланади.

Ном учун ишлатиладиган 把 “bā” донабай ҳисоб сўзининг пайдо бўлиши. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 把 “bā” донабай ҳисоб сўзи, 把 “bā” жамловчи ҳисоб сўзидан кейинроқ пайдо бўлган. Олимлар Шарқий Хан давридаги қўл ёзмаларда 把 “bā” ни донабай ҳисоб сўзи сифатида келганини кўришган. Масалан:

7) 日，火也。使在地之火，附一把炬，人从旁射之，虽中，安能灭之？
(《论衡》卷五《感虚篇第十九》). Rì, huǒ yě. Shǐ zài dì zhī huǒ, fù yì bǎ jù, rén cóng páng shè zhī, suī zhōng, ān néng miè zhī ? (《lùn héng 》 juǎn wǔ 《gǎn xū piān dì shí jiǔ》).

把 “bā” ни донабай ҳисоб сўзи ушлайдиган тутқичи, дастаси бор нарсаларни аниқлаштириш учун ишлатилади. Структуравий тузилиши қўйидагича бўлган: Сон + 把 “bā” ни донабай ҳисоб сўзи + От, ва бу тузилиш ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келмоқда. Бундан кўришимиз мумкинки, 把 “bā” донабай ҳисоб сўзининг вужудга келишида 把 “bā” феълининг таъсири катта. 把 “bā” феъли қўлда ушламоқ, олмоқ, қўлда тутиб турмоқ каби маъноларни англатган, унинг ишлатилишдан чиқиб кетиши натижасида 把 “bā” ни донабай ҳисоб сўзининг пайдо бўлган, деган фикрни юқорида кўпгина хитой тилшунослари томонидан айтиб ўтилди.

Хулоса. 把 “bā” жамловчи ҳисоб сўзи Ғарбий Хан даврида пайдо бўлиб, 把 “bā” ни донабай ҳисоб сўзи эса ундан кейинроқ, яъни Шарқий Хан даврида қўл ёзмаларда кўринган. 把 “bā” ни донабай ҳисоб сўзига, тўғридан-тўғри 把 “bā” феъли таъсир кўрсатган бўлиб, феълнинг муомаладан чиқиб кетишининг натижасидир.

Тай Хан даврида 把 “bā” ҳисоб сўзининг ишлатилиш ҳолатлари кам бўлган, асосан ўлчов бирлиги ёки қўлда ушлайдиган буюмларга нисбатан ишлатилган.

Ном учун ишлатиладиган 把 “bā” ҳисоб сўзининг пайдо бўлиш йўлини қўйидагича тушунтиrsак бўлади: “把 “bā” (феъл) —— қўл билан ушлайдиган предмет (асосий бирлик) —— 把 “bā” ном сўзи ва 把 “bā” ном учун

ишилатиладиган ҳисоб сўзининг бирикиши——把 “bā” ном учун ишилатиладиган ҳисоб сўзи”.

Гапда 把 “bā” нинг донабай ёки жамловчи ҳисоб сўзлигини билиш учун, у билан бирга келган отга қараб аниқлаш мумкин. Агар 把 “bā” ҳисоб сўзидан кейин келадиган сўз кўпликни билдирса 把 “bā” жамловчи ҳисоб сўзини, бирликни ифодаласа 把 “bā” донабай ҳисоб сўзини қўллаймиз, чунки 把 “bā” ҳисоб сўзи, ҳам жамловчи, ҳам донабай предметга нисбатан ишилатилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А. А. Каримов Выявления исконных и приобретенных значений иероглифов 念, 讀, 看 Discovering different cultures, nationalities and language through comparative-typological studies, 2020
2. А.А. Каримов Счётные слова в китайском языке (лексико-семантический, структуральный и функциональный анализ)
3. Горелов В.И. Теоретическая грамматика китайского языка. [Chinese grammar], Москва, 1974.
4. Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. [Лекси семантик, структурал ва функционал таҳлили] 汉语量词. Hanyu liangci [Chinese quantifiers], Тошкент, 2003.
5. Мирзахмедова, Х. В. (2014). О некоторых проблемах формирования железнодорожных терминов (на материале персидского языка). *Вестник Челябинского государственного университета*, (14 (343)).
6. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
7. Омонов, К. Ш. (2015). Типы деловых документов в истории старотюркского литературного языка. *Paradigmata poznani*, (3), 71-74.
8. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ-СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: To 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, [Uzbek natoinal encyclopedia], 4-жилд, Тошкент, 2002.

10. Хашимова, С. (2020). НЕКОТОРЫЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УДВОЕНИЯ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура* (pp. 334-338).
11. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.
12. Ashiralievich, V. A., & Vasilovna, M. K. (2020). The interactive means of learning oriental languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 78-86.
13. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics*, 10(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.
14. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
15. Khalmurzaeva, N. T. (2019). СПОСОБЫ КЛАССИФИКАЦИИ ВЕРБАЛЬНЫХ ФОРМ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 27-33.
16. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
17. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel "A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771.
18. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
19. 王力。中国现代语法。北京, 1985 年. Wáng lì 。 Zhōng guó xiàndài yǔ fǎ 。 [Chinese modern grammar], Běi jīng, 1985.
20. 刘月华。实用现代汉语语法。Liú yuè huá 。 Shí yòng xiàndài hàn yǔ yǔ fǎ 北京, Běi jīng 2004 年。 Liu Yuehua. Shiyong xiandai hanyu yufa [Practica modern Chinese grammar], Beijing, 2004 年。

21. 刘世儒 Liu Shiru 魏晋南北朝量词研究. Liú shì rú. Wèi jìn nán běi cháo liàng cí yán jiū . 北京, Běi jīng, 1965 年.
22. 何杰. 现代汉语量词研究: 修订版 Hé jié. Xiàn dài hàn yǔ liàng cí yán jiū, xiū dìng bǎn, 北京, Běi jīng, 2001 年.
23. 吕叔湘. 现代汉语八百词 Lǚ shū xiāng. Xiàn dài hàn yǔ bā bǎi cí. 增订本. 北京. Běi jīng, 1999 年.
24. 叶桂郴. 明代汉语量词研究. Yè guì chēn. Míng dài hàn yǔ liàng cí yán jiū 长沙 Cháng shā, 2008 年.